

УСТУВОР ВАЗИФАЛАР ТАҲЛИЛИ

Ўзбекистон касба уюшмалари Федерациясида давлатимиз раҳбарининг БМТ Бош Ассамблеяси 78-сессиясидаги сўзлаган нутқи мазмун-моҳияти ҳамда ундан келиб чиқадиган устувор вазифалар таҳлиliga бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.

Федерация раиси Кудратилла Рафиқов олиб борган йиғилишда Президентимизнинг АҚШга ташрифи муҳим учрашувларга бой бўлгани, ҳамкорликни янада ривожлантиришга қаратилган қатор келишувларга эришилгани, БМТ Бош Ассамблеяси 78-сессиясида давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган ташаббуслар нафақат Марказий Осиё минтақаси, балки бутун дунё аҳолисига дахлдор экани таъкидланди.

Давлатимиз раҳбарининг нутқида қайд этилганидек, ҳуқуқий, дунёвий, демократик ва ижтимоий давлат бўлган Янги Ўзбекистонни барпо этиш сиёсати қатъий давом этмоқда, мамлакатимиз «Инсон қадр ва манфаатлари учун» деган эзгу ғоя асосида демократия ва адолат тамойилларини мустаҳкамлашга қаратилган туб ислохотлар йўлидан дадил бораётир.

Ўзбекистонда янгиланган Конституция бўйича ўтказилган умумхалқ референдуми миллий тараққиётимизнинг устувор йўналишларини белгилаб берди. Мамлакатимиз глобал таҳдидларга қарамасдан, барқарор ўсиш суръатларини намоен этмоқда. Кейинги олти йилда ялпи ички маҳсулот ҳажми бир ярим баробардан ортиқ кўпайиб, 2030 йилга қадар бу кўрсаткични яна 2 баробарга ошириш бош мақсадга айланган. Аҳоли турмуш дара-



жасини оширишга қаратилган сиёсат тўғрисида 2017 йилдан буён камбағаллик икки баробарга камайтиди. 2030 йилгача уни 7 фоизга тушириш режа қилинган.

Давлатимиз етакчисининг, айниқса, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош қотиби томонидан илгари сурилган «Иш ўринларини яратиш ва ижтимоий ҳимоя глобал акселератори» борасидаги ташаббусни қўллаб-қувватлаб, унинг доирасида тажриба алмашиш учун 2024 йили Бирлашган Миллатлар Ташкилоти шафелигида «Ижтимоий ҳимоя: барқарор тараққиёт сари йўл» бутунжаҳон конференциясини юртимизда ўтказиш ҳақидаги таклифи жуда ўринли эканини қайд этиш лозим. Мамлакатимизда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, мажбурий ва болалар меҳнатига тўлиқ барҳам бериш

борасида эришилган натижалар эса қувонарли, албатта.

Нутқида илгари сурилган ташаббусларнинг барчасида ҳамжиҳатлик масаласи ва инсон манфаатлари устуворлиги алоҳида аҳамиятга эга. Хусусан, глобал ва минтақавий долзарб масалалар ечимига қаратилган муҳим ташаббуслар – ёшлар, хотин-қизлар манфаатларини ҳимоя қилиш, сайёрамиз миқёсида иқлим ўзгариши, биохилма-хилликнинг йўқолиши ва атроф-муҳит ифлосланиши, Орол денгизи фожиясига қарши курашиш, экологик муаммоларни бартараф этиш каби кўплаб долзарб йўналишлар шулар жумласидандир.

Тадбирда Президентимизнинг БМТ Бош Ассамблеяси 78-сессиясидаги сўзлаган нутқидан касба уюшмалари учун келиб чиқадиган муҳим вазифалар, уларнинг ижроси ҳамда тарғиботидаги муҳим йўна-

лишлар таҳлил қилинди. Бу борада амалга оширилиши лозим бўлган чора-тадбирлар белгиланди. Хусусан, тизимдаги ҳар бир тармоқ, кичик бўлган давлатимиз раҳбари нутқи мазмун-моҳиятини тушунтириш, сиёсатчилар ва мутахассисларни жалб қилган ҳолда бу борада тадбирлар ташкил этиш, илгари сурилган тақдирлар асосида тегишли вазифаларни амалга ошириш бўйича режалар ишлаб чиқиш зарурлиги таъкидланди.

Йиғилишда, шунингдек, касба уюшмалари олдидаги бошқа долзарб масалалар ҳам таҳлил қилиниб, уларни амалга ошириш борасида тегишли вазифалар белгилаб берилди.

Гулрухбегим ОДАШБОВА

«ISHONCH»
Саидаббар АБДУРАҲИМОВ олган сурат



Хитойнинг Ханчжоу шаҳрида 23 сентябрдан бошланган Осиё олимпия ўйинлари қизғин паллага кирди.



КАСАБА УЮШМА СПОРТЧИЛАРИДАН ЯНГИ НАТИЖАЛАР

Жумладан, академик эшак эшиш йўналишида 21 та давлатдан 310 нафар спортчи иштирок этаётган бўлса, шу спорт турида мусобақалашган вакилларимизнинг аксарияти шоҳсупага кўтарилди. Таъкидлаш жоизки, академик эшак эшиш бўйича Миллий терма жамоамизнинг 18 нафар спортчисидан 4 нафари Касаба уюшмалари Федерациясига қарашли Республика ихтисослаштирилган комплекс болалар ва ўсмирлар спорт мактабининг тарбияланувчиларидир.

23 сентябрь куни шу мактаб спортчиси Луиза Исломова, Меҳроब्бек Маматқулов ва Шахбоз Холмирзаевлар кумуш, Собир Сафаралиев эса битта кумуш ва битта бронза медалларини қўлга киритди.

Яна бир спортчи – Фазлиддин Каримов М8+ (эркаклар саккизталиги) йўналишидаги мусобақада тўртинчи ўринни эгаллади.

Олдинда спортчиларимизни энгил атлетика, слоламда эшак эшиш, байдарка ва каноэда эшак эшиш, оғир атлетика каби спорт турлари бўйича мусобақалар кутиб турибди.

Зебо НАМОЗОВА

«ISHONCH»



КЕЛАЖАК АВЛОД ҲАВОСИЗ ҚОЛМАСИН

ёхуд «сабабсиз» қуриётган дарахтлар ва уларнинг кесилишидан кимлар манфаатдор?

Далил. Шу кунларда ижтимоий турмоқларда Тошкент шаҳри Чилонзор туманида 29 туп кўп йиллик дарахт кесиб ташлангани ҳақида хабарлар тарқалди.

Маълумот. Мутахассисларнинг айтишича, бир туп кўп йиллик манзарали дарахт ўртача 200 нафар кишига бир кун давомида етарли бўлган кислород ишлаб чиқаради.

Жайдари хулоса. Демак пойтахтда 6 минг нафар киши учун ҳаво манбаи йўқ бўлди.

Расмий муносабат. Чилонзор тумани ҳокимлиги матбуот хизмати берган баёнотга кўра, ушбу ўсимликлар Тошкент ботаника боғи дарахтшунос мутахассиси ҳамда Туман экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бўлими масъулларининг асосли (дарахтлар қуригани учун деб берилган) хулосаларига

биноан кесилган.

Шубҳа. Шунча йиллардан бери яшаб турган 29 туп дарахтнинг тўсатдан, барчаси бирдек қуриб қолиши... Яна шуниси қизиқки, мутахассислар бераётган хулосаларда аниқлик етишмаяпти. Яъни бу дарахтлар нега қуриб қолган: уларни қурт кемирганми, иқлим ўзгаришими, умрини яшаб бўлганми, сувсизликданми, қаровсизликданми? Хуллас, саволлар бисёр. Жавоблар эса...

Мулоҳаза. Битта кўчатни ерга суқиб, то у дарахтга айлангунча ўртача 30-40 йил вақт кетади. Аммо ўроқда йўқ, машоқда йўқ, хирмонда ҳозирлар эса шу дарахтларни бир кечада кесиб ташласа... Жамоатчилик «ушбу дарахтлар аввал қасддан – захарли дори берилиб қурилган ва кейин кесиб ташланган» деган тахминни илгари сурапти. Бу

фикрда очиғи, ҳақиқат бордек. Негаки, аввал шубҳаланганимиздек, 29 туп дарахтнинг бирварақай қуришига ишонини қийин-да. Қолаверса, кейинги вақтда дарахтларнинг ўз-ўзидан қуриб қолиши аниқгина кириб улгурди. Бунинг сабабларини ўрганган ва ўрганаётган жамоатчилик вакиллари, жонқуяр эколог ва журналистлар дарахтларга захри қотил бўлган кимёвий воситалар берилётгани ҳақида айта бошлади, далилларни келтирмоқда ҳам. Демак, дарахтларнинг ўз-ўзидан қуриб қолиши ва уларнинг кесиб ташланишидан кимдир манфаатдордекка ўхшайди. Хўш, ўша ким? Бу савол ҳам ҳамон жавобсиз...

Хулоса. Бу вазият ва умуман шу каби ҳолатлар барчамизни оғоҳликка чорлаши керак. Ҳозирги глобал иқлим шароитида дарахт кўкартириш, оламни яшилликка буркаш энг долзарб вазифа бўлиб турган экан, юқоридаги каби ҳолатларга томошабин бўлиб туришга эколог бўладими, мутахассис бўладими ёки оддий фуқаро бўладими, умуман, ҳеч бичимизнинг ҳаққимиз йўқ. Зеро, бу келажакимиз билан боғлиқ жиддий масалалар.

Соҳага дахлдор мутасаддилар эса, балки юқоридаги саволларимизга жўяли жавоб беришар...

Ғулломжон МИРАҲМЕДОВ
«ISHONCH»

Ўзбекистон касба уюшмалари Федерациясида куну тун фаолият кўрсатадиган

1211

қисқа рақамли «Ишонч телефони», яъни «Call-center»га

мамлакатимизнинг турли ҳудудларида, олис ва чекка қишлоқларида яшаётган хотин-қизлар ўз муаммолари бўйича исталган вақтда мурожаат қилишлари мумкин.



Қашқадарё вилояти

Миннатдорлик

II гуруҳ ногирониман. Оёғим оғриб, кўп азоб торганман. Жарроҳлик амалиёти ўтказилгандан кейингина аҳволим яхшилана бошлади. Ҳозирда аста-секин соғлигим тикланыпти.

Меҳр ва қадр учун ташаккур

Беш нафар фарзандим бор. Катталари уйли-жойли бўлишди, невараларим бор. Ўзим Қаршидаги ногиронлиги бор болаларнинг «Мурувват» уйда энагалик қиламан.

Бугун ҳар жабҳада ижобий ўзгаришлар бўляпти, инсонга эътибор омили давлат сиёсатининг устувор йўналишига айланган. Бунга «Мурувват» уйининг қайта таъмирланиб, янгича қиёфада, барча қулай шароитларга эга ҳолатга келтирилгани ҳам яққол мисол бўлади.

Ишимни севаман. Барчамиз масканди болаларга онасидек парвона бўлишга, уларга меҳр беришга ҳаракат қиламиз. Ишчи гуруҳ аъзолари оиламининг катталиги, қолаверса, соғлигимдаги муаммолар сабаб мени «Аёллар дафтари»га киритишди.

Шундан сўнг ҳаётимда ижобий ўзгаришлар бошланди. Меҳр ва қадр кўрдим. Касаба уюшма фаоллари, шунингдек, «Айрончи» маҳалласи мутахассислари доимий равишда ҳолимдан хабар олиб туришди. «Аёллар дафтари» тўғрисидаги маълумотни тиклаётган, тикиш машинаси беришди, моддий ёрдам ажратилди.

Барчаси учун миннатдорман!

Фотима ХЎЖАЕВА
Косон тумани «Айрончи» маҳалласи



Қашқадарё вилояти

**«Аёллар дафтари»ни
варақлаганда...**



**«Пахтазор»да
нима гаплар?**

Косон тумани «Пахтазор» маҳалласида яшовчи Мавлуда Чўлликбаева бўқоқ хасталигидан азоб чекарди. У ўтган йили «Аёллар дафтари» шарофати билан Самарқандда даволаниб, жарроҳлик амалиётини бошидан ўтказди.

Икки фарзандни ёлғиз тарбиялаётган она аҳолидан хабар олгани келган ишчи гуруҳ аъзолари унинг яна даволанишига муҳтожлигини дафтарга қайд этиб қўйишди. «Аёллар дафтари»нинг 4-босқичи чора-тадбирларига кўра, унга 6 миллион сўм маблағ ажратилиб, бу сафар хусусий шифохонада муолажа олди. Саломатлиги яхши томонга ўзгараётган Мавлуданинг қувончини тушуниш қийин эмас.

Шу маҳаллада яшайдиган Холида Жовлиева ва унинг турмуш ўртоғи ногирон. Мавсумий иш билан кун кўриб, Рўзгор тебрати келган эру хотинни беморлик ва ожизлик исканжага олди. У «Аёллар дафтари»га киргизилиб, Қарши шаҳридаги хусусий клиникада даволаниб чиқди. Ҳозир оёғидаги оғриқлар чекинган, аҳоли яхши.

Наргиза Очилованинг ўзи ва фарзанди олий ўқув юртида ўқийди. Аёлга ёрдам тариқасида ўқиши учун шартнома маблағи тўлаб берилди.

Феруза Шаропованинг ногирон фарзанди бор. Ўзи Жиззах давлат педагогика университети талабаси. Бу аёлнинг ўқиши учун ҳам пул ўтказилди.

Латофат Шеркулова, Нилуфар Нуриддинова, Холида Умарова каби хотин-қизлар «Аёллар дафтари»нинг учинчи босқичида касб-хўнарга ўқитилган. Ўқиш, олинган билим ва сертификат бемасракетмади. Дафтарнинг тўртинчи босқичида ишсизлар тоифасида қайд этилган бу аёллар яқинда «Бунёдкор текстиль» корхонасига ишга жойлаштирилди.

Боқувчисини йўқотган Маърифат Қаҳқорова туман тиббиёт бирлашмасига тозаловчи вазифасига ишга олинган бўлса, икки фарзанди билан ижарада яшайдиган Мухайё Ироқованинг ижара

компенсацияси тўлаб берилди. Беш нафар фарзанднинг онаси Холида Эшнӣёзова – тикувчи. Унга иш фаолиятини йўлга қўйиб олиши учун 5 миллион сўм имтиёзли кредит берилди. Холиданинг шижоатини кўриб, яна тўрт чевар кредит олди. Муяссар Равшанова эса 32 миллион сўм кредит олишга қарор қилди. У тикув машиналиги яхши томонга ўзгараётган, қўни-қўшиларини иш билан таъминлади.

«Аёллар дафтари»нинг тўртинчи босқичида 77 нафар ижтимоий ҳимояга муҳтож аёлга (улар орасида ногиронлар, ногирон боласи борлар, боқувчисини йўқотганлар бор) 1 200 000 сўмдан моддий ёрдам берилди.

Шунингдек, маҳалладаги аҳоли ўртасида, нотинч оилалар орасида тушунтириш, тарғибот ишлари қилинптики, бу, албатта, ўз натижасини бермасдан қолмайди. Масалан, Машраб Омонов ҳамда София Каримованинг уч нафар фарзанди бор. Эр – мавсумий ишчи, хотин – ишсиз. Рўзгор эса ёр. Турмушнинг ўйинларини қаранги, эру хотин ўртасида гап қочди. Жанжал чиқди. София онасиникига кетиб қолди. Бу нозик ҳолатда «Пахтазор» маҳалласи хотин-қизлар фаоли Нодира Темирова тажрибали кайвони аёл эканини яна бир бор исботлади. У ҳар икки томон билан гаплашиб, бекани уйга қайтарди. Бузилиш арафасидаги оила сақлаб қолинди.

Ҳозир «Пахтазор»да хотин-қизлар ўртасида жинсиетчиликнинг олдини олиш ва ишсизликни бартараф этиш бўйича хатлов жараёнлари, тарғибот-ташвиқот ишлари қизгин паллага кирган.

Акмал АБДИЕВ
«ISHONCH»

Сирдарё вилояти

Қизим Зиёда Жўраева Сайхун-обод туманидаги 3-мактабда ўқитувчи бўлиб ишларди. 2022 йил 27 апрель кун Гўлистон шаҳрига малака оширишга бораётгани, йўл-транспорт ҳодисасига учраб, вафот этди.

Касаба уюшмаси аралашгач...

Мушкуллимиз осон бўлди

Дилбандимизнинг доғи бир бўлди, қонунчиликда белгиланган тартибда қарамоғида бўлган онасига бир йўла бериладиган нафақа ва зарар пулларини олиш машаққатлари бир бўлди. Бир йилдан зиёд сарсон-саргардонликда юрдик. Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Сирдарё вилояти кенгашининг меҳнат техник инспектори Абдукамол Ҳакимовга мурожаат қилганимиздан сўнггина мушкуллимиз осон бўлди. У кишининг саъй-ҳаракати билан бизга суғурта компанияси томонидан 277 624 000 сўм миқдорда бир йўла бериладиган нафақа ва зарар пуллари ундириб берилди.

Малика РАҲИМОВА
Сайхун шаҳарчаси

Навоий вилояти

**Мажбурий меҳнатга
йўл қўйилмайди**



Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Навоий вилояти кенгашида «2023 йил пахта йиғим-терими давомида мажбурий меҳнатга йўл қўймаслик ҳамда теримчилар учун муносиб меҳнат шароитларини яратиш масаласида қатъий назорат ўрнатиш зарур ва шартдир» мавзусида амалий семинар ташкил этилди.

Унда кенгашнинг масъул ходимлари, агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси туман кенгашлари раҳбарлари, вилоят ҳокимлиги қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармалари мутасаддилари, миллий мониторинг ҳудудий ишчи гуруҳи аъзолари, нодавлат ва нотижорат ташкилотлар вакиллари иштирок этди.

Тадбирни Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Навоий вилояти кенгаши раиси Назира Тоғаева кириш

сўзи билан очар экан, иштирокчилар эътиборини йиғим-терим мавсумидаги долзарб масалаларга қаратди. Мажбурий меҳнатга йўл қўймаслик, болалар меҳнатидан фойдаланмаслик, теримчиларга муносиб меҳнат шароитларини яратиш, терим пуллари ўз вақтида берилишини назоратга олиш борасида фикр-мулоҳазалар билдирди.

Йиғилишда меҳнат техник инспектори Маҳбуба Қамбарова, бош мутахассис Тоштемир Тойлоқов сўзга чиқиб, ўтган йиллардаги жамоатчилик назорати ишларининг натижалари ҳамда жорий мавсумда амалга оширилиш лозим бўлган асосий вазифалар уюшмасидан батафсил маълумот беришди.

Нормурод МУСОМОВ
«ISHONCH»

Наманган вилояти

Кўп нарса эътиборга боғлиқ

Айни кунларда Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Наманган шаҳар кенгаши тасарруфида 46 та бошланғич ташкилот бўлиб, аъзолар сони 7 минг 804 нафардан иборат.

Тармоқ касаба уюшма аъзоларининг 882 нафари аёл. Улар учун яратилган шарт-шароит, меҳнат муҳофазаси билан боғлиқ масалалар доим эътибор марказимизда. Оилавий ташвишлар, иш жараёнидаги муаммолар, тинимсиз меҳнат, зўриқиш... Айнан шулар туфайли хотин-қизларда касбий касалликлар юзага келиши ҳеч кимга сир эмас.

Бундай ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида аёлларни қўллаб-қувватлаш, моддий рағбатлантириш, санаторийларга йўланмалар беришни йўлга қўйганмиз. Меҳнат муносабатларида ишчи-ходимлар манфаати учун самарали курашимизда бизга янги Меҳнат кодекс ва ташкилотларда тузилган жамоа шартномалари дастуриламал бўлмоқда.

Мисол учун, «Наманган дон маҳсулотлари» акциядорлик жамиятининг 2023-2025 йиллар учун тузилган жамоа шартномасида ўзига хос йўл тутилди. Унга биноан, корхона касаба уюшмаси иш бевуҷи билан келишган ҳолда, Меҳнат кодексининг 220-моддасига мувофиқ иш стажасида бериладиган қўшимча меҳнат таътилига бошқа ташкилотда ишлаган иш стажини ҳам қўшиб ҳисоблаш жорий этилди.



Шунингдек, пенсияга чиқаётган ходимларга ойлик иш ҳақи ҳисобидан корхонадаги иш стажига қараб, уларга бир баробардан беш баробаргача мукофот пули берилиши йўлга қўйилди. Табиийки, бундай хайрли ишлар ишлаб чиқаришга ижобий таъсир қилади. Бундан ташқари, тизимда кўп йиллардан буён ишлаган меҳнат фахрийларига ҳам алоҳида ғамхўрлик кўрсатяпмиз.

Гап фаолият ҳақида кетаркан, қуйидаги рақамларга тўхталмасликнинг олжи йўқ. Тармоқ ходимлари касаба уюшмаси Наманган шаҳар кенгашига йил бошидан ҳозиргача 10 га яқин оғзаки ва ёзма мурожаат келиб тушган бў-

либ, уларнинг аксарияти ишга тиклаш, соғлиққа етказилган зарар тўловларини қайта ҳисоблаш ҳақидадир.

Мурожаатларнинг камлиги ҳам тармоқ ходимлари касаба уюшмаси Наманган шаҳар кенгашининг муваффақиятли фаолиятдан дарак бераётган.

Ўтказилаётган тарғибот ва ташвиқот тадбирлари натижасида сўнгги олти ойда кенгашга 18 та нодавлат ташкилот аъзоларига қабул қилинди.

Зулҳумор ҲОЖИМАТОВА,
Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Наманган шаҳар кенгаши раиси

Аъзолик афзалликлари

Ўқув-семинар

«Оқтош» бола-лар соғломлаштириш оромгоҳида Ички ишлар вазирилик таркибий бўлинмалари ходимлари бирлашган касаба уюшма қўмитаси «Ички ишлар вазирилик тизимида фаолият кўрсатаётган касаба уюшма қўмиталарининг ҳуқуқий асослари ва уни амалиётда қўллаш тартиби» мавзусида ўқув-семинар ўтказди.

**ҲУҚУҚИЙ
ТУШУНЧЛАР
БЕРИЛДИ**

Худудларда фаолият олиб бораётган ички ишлар органларининг кенгаш раислари ва ҳисобчилари иштирок этган тадбирда сўзга чиққанлар кенгаш раиси ишни қандай олиб бориши, қонунчиликдан бохабарлиги, санаторийлар ва фарзандлари учун оромгоҳларга йўланма олиш тартиби, мурожаатлар билан ишлаш ҳақида ҳуқуқий маълумотлар беришди.

Шунингдек, ходимларни ижтимоий ҳимоя қилиш, моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш, спорт ва бошқа тадбирлар билан боғлиқ вазифалар қўмита раисларининг асосий вазифаларидан бири эканини айтиб ўтишди. Янги Ўзбекистонни бунёд этишда ички ишлар органлари ходимларининг хизмати беқиёс эканлигини, бу мақсад йўлида ҳар бир ходим янада фаол бўлиши, ўз устида тинимсиз ишлаши, замонавий техникаларни ўрганиши таъкидлаб ўтилди.

Тадбир жараёнида иштирокчилар Ички ишлар вазирилик биносида Ички ишлар органлари мард ўғлонлари учун бунёд этилган хотира боғини зиёрат қилишди.

Тўлқин ҲОЗИМОВ,
ИИБ Малака ошириш институти катта ўқитувчиси, подполковник

Хоразм вилояти

Давлат раҳбари ташаббуси билан Хоразм вилоятида Жалолиддин Мангуберди номли ҳарбий академик лицей фаолиятини бошлади. Таълим маскани 300 ўринга мўлжалланган бўлиб, ўқувчи ёшларнинг пухта билим олишлари, ҳарбий соҳа сир-асрорларини эгаллашлари учун зарур шароитлар яратилган. Дастлабки ўқув йилида лицей ўқувчилари мамлакатимизнинг барча ҳудудларидан синовлар асосида саралаб олинган.

Янги лицей жамоаси касаба уюшмаси аъзоси



– Синовлардан муваффақиятли ўтиб, мамлакатимиздаги энг замонавий ҳарбий лицей ўқувчиси бўлдим, – дейди Асадбек Эргашев. – Синовлар, лабораториялар, амалий машғулот хоналари, кутуб-



хона – барчаси энг сўнгги русумда жиҳозланган. Ётоқхонамиз ҳам шинам ва барча шароитларга эга. Ушбу имкониятлардан самарали фойдаланиб, фанларни пухта ўзлаштиришга ва ватан шаънини

ва сарҳадларини муносиб ҳимоя қиладиган фарзанд бўлишга ҳаракат қиламиз.

Ҳарбий лицей кутубхонаси электрон китобларга бойлиги ўқувчиларга бўш вақтларида ўзлари

хоҳлаган адабиётни мутолаа қилиш имконини бермоқда. Жалолиддин Мангуберди музейида ўтадиган ҳар бир лаҳза уларни ватанпарварликка, мардлик ва жасоратга ундамоқда.

Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси Хоразм вилояти кенгаши томонидан муассасада ташкил қилинган давра суҳбатида уюшма аъзолари афзалликлари, жамоа шартномасининг аҳамияти ҳақида сўз борди. Кенгаш раиси Шокир Аллаберганов ва раис ўринбосари Руслан Бобононов жамоани қизиқтирган саволларга жавоб қайтаришди. Қизгин баҳс-мунозараларга бой тарзда ўтган давра суҳбатидан сўнг жамоа касаба уюшмасига бирлашишга қарор қилди.

Жамоа йиғилиши ўтказилиб, касаба уюшма қўмитаси ташкил этилди. Ўқитувчи Бахтиёр Мискинов бошланғич касаба уюшма қўмитаси раиси қилиб сайланди.

Касаба аъзолари манфаатларини ҳимоя қилиш учун иш бевуҷи ва касаба уюшма қўмитаси ўртасида жамоа шартномаси имзоланди.

Мухаббат ТўРАБОЕВА
«ISHONCH»

Фаолият

Кар-мана туманининг Жалойир қишлоғидаги бу ҳовлидан бир кунда икки то-бут кўтарилди. Хонадон эгаларига қўшилиб, бутун қишлоқ аҳли йиғлади ва қаттиқ фарёд чекди. Кўз кўриб, қулоқ эшитмаган қотилликдан барча бирдек даҳшатга тушди. Аксариятининг бу мудҳиш воқеани бир-бирига айтишга, сабабларини сўрашга тили айланмади. Кексалар эса қишлоқда шу пайтгача бундай ваҳшийлик рўй бермаганини эслашди...

Қачонгача томошабин бўлиб яшаймиз?

Бир ойча муқаддам икки нафар фарзанди билан тинч яшаётган оилада кўнгилсиз воқеа содир бўлади. «Хонадон бекаси маҳалла нозирини билан дон олишиб юрар экан, эри ушлаб олганмиш», деган миш-миш тарқалади. Бу гап рост бўлиб чиққач, нозир вазифасидан бўшатилади. Ор-номуси топталган эр эса хиёнаткор аёлини ва норасида болаларини қайнотасиникига элиб кўяди. Кейин хотини билан ажрашиш мақсадида судга мурожаат қилади. Айтишларича, хотин судда унинг бошига тўхмат тошларини ёғдиради. Бунга чидай олмаган йигит қайнотасининг уйига бориб турмуш ўртоғини ва ота-онасини ваҳшийларча пичоқлайди. Беғуноҳ ота-она ўлади. Аёл тирик қолади.



шлар бунчалар маънавий қашшоқлик, ахлоқсизлик, уятсизликка берилиб кетмоқда? Баъзи хотин-қизлар гендер тенгликни бирёқлама тушунаптилар, шекилли, бўлар-бўлмасга жанжал чиқариб, қайнота-қайнонаси ва эрини ҳақоратлаб, оиласини барбод қилаптилар. Рейтингозлик касалига йўлиққан телеканаллар эса арзонгаров, сийқа, мазмунсиз сериаллар намойишига ружу қўйиб, хотин-қизларимиз тарбиясига, турмуш тарзига ўта салбий таъсир кўрсатишмоқда. Масалан, оила аъзолари заррача қадрланмайдиган, эр ёки кўёвга тарсаки тортиб юбориладиган турр сериалларини кўриб, айрим аёлларимиз ва келинларимиз уларга тақдир қилишмоқда. Устига-устак, бизда ҳам шундай сериаллар пайдо бўлмоқда. Бир томонда бақчана дастурлар ва сериаллар намойиши билан ўз рейтингини юлғаб олган сериаллар раҳбарлари, иккинчи томонда уларнинг кўрсатувлари туфайли айрим эр-хотинларнинг жанжаллашгани оддий ҳолга айланиб, ажралишлар рейтингини ошириб бормоқда. Аёллар, айниқса, қизлар тарбиясига ўта салбий таъсир кўрсатаётган бундай сийқа ва савияси паст, реал ҳаётдан мутлақо йироқ, ўта бақчана ва пажмурда сериаллардан қачон қутуламиз? Уларни тартибга соладиган кучли идора ёки мард инсон топилармикин?!

Энг ачинарлиси, биз китобдан узоқлашиб, телефон касалигига йўлиқдик. У эса бизни оммавий саводсизлик ва чумчуқ ақлга ўргатди. Оқибатда биз хангоматалаб, арзон олди-қочдиларга мубтало бўлиб қолдик. Баъзи аёллар ва эркаклар оиласи, фарзандлари бўла туриб, бир-бирига «МСС» ёзадиган телеошиқларга айландилар. Бундан хабар топган эрнинг хотини, бошқа хотиннинг эри оилада жанжал кўтариб, ажрашиб кетмоқда. Уртада болалар етимга айланиб қолмоқда. Уларнинг тақдирдан кўра енгил-елпи ҳаёт кечирини афзал билган уятсиз ота-оналар эса ҳеч нарса бўлмагандай бемалол яшаб юрибдилар.

Бизнинг қишлоғимизда ҳам хунук ва бемаъни ишлар билан шуғулланганлар ҳақида гап очилса, «Уни нима бало урибди?» дейишгади. Аслида бу қандай бало? Унинг давоси борми? Ишқилиб, ўша тузалмас бало вирусга ўхшаб бошқаларга юқмасин! Биз ҳам уни юқтирмаслик учун ҳушёр бўлайлик, бир-биримизни асраб-авайлайлик. Дардимизга малҳам топайлик. Буюк аллома Абу Ҳамид Ғаззолий ёзганда, «**Балонинг йўқлиги неъматдур, неъматнинг йўқлиги балодур**».

Хурматли ҳамқишлоқлар! Ватанимиз тараққиётининг янги йўлидан дадил одимламоқда. Юртимиздаги ўзгаришларни ҳаммамиз кўриб, билди турибмиз. Президентимиз таъкидлаганидек, «**Биз энди кечаси одамлар эмасмиз. Халқимиз ҳам кечаси халқ эмас.** Тарихдан маълум: вақтни – имкониятга, имкониятни – ютуққа, ютуқни тараққиёт пойдеворига айлантириш олган халқ – буюк халқдир. Бугун меҳнаткаш, мард ва олижаноб, меҳр-оқибатли элимиз айни шундай халқ бўлиб майдонга чиқмоқда».

Биз бу ҳаётини даъватдан илҳом олиб, олдинги сафарларда бўлишимиз шарт. Мен фурсатдан фойдаланиб, Жалойир қишлоғидаги бешта маҳалла фуқаролар йиғини раисларига, мутахассисларига, туман маънавият ва маърифат бўлими, маданият бўлими мутасаддиларига, мактаблар раҳбарларига ва ўқитувчиларига, қишлоқ оқсоқоллари ва зиёлиларига, масжидлар домлаларига дўстона мурожаат қилиб сўрамоқчиманки, ахир турмушимизнинг ахлоқий тарбияси, маънавияти ва маърифати билан жиддий шуғулланайлик. Тушунтириш ишларини ҳар томонлама чуқур олиб борайлик. Оила, тарбия, ахлоқ, маърифат каби долзарб мавзуларда олимлар, ижодкорлар иштирокида суҳбатлар уюштирайлик. Бизнинг лоқайдликимизда, катта-кичик нохуш воқеалар ва жиноятларнинг кўриб томошабин бўлиб туришимиз оқибатида одамлардан иймон-этиқод, меҳр-оқибат кўтарилмасин, етимлар кўпаймасин.

Мақоламиз бошида тилга олинган фожиани яна бир эслайлик. Қотил кўёвнинг қўлида жон берган бечора ота-она айбисиз эди. Бироқ бири олтимининг остонасида, бири эллик уч ёшида фожиали ўлим топди. Эрига хиёнат қилиб, ота-онаси юзини ерга қаратган, икки фарзанди билан уйдан қувилган қиз эса тирик қолди. Энди у бир умр азобда, қалбидаги тузалмас дард билан яшайди... Эҳтимол биз томошабин бўлиб турмаганимизда бу оила бошига бундай қулфатлар тушмаган бўлармикан?

Муҳтарам ҳамқишлоқлар! Энди фафлат уйқусидан уйғонайлик, эътиборсизлик, беғамлик ва қаратлик ёстиғидан бош кўтарайлик. Мабодо, қўшнилardan бирортасининг уйдан йини ёки дод-фарёд эшитилса, асло бепарво бўлмайлик. Ахир турфа томошаларни кўравериб тўймадикми? Томоша халтамыз тўлмадикми? Биз қачонгача томошабин бўлиб яшаймиз? Қачонгача?..

Ашурали ЖўРАЕВ,
Ўзбекистон Республикасида
хизмат кўрсатган журналист



Мулоҳаза



Қадрият

ИНСОФ

Ноинсоф. Ўйлаб кўрсак, аслида бу жуда оғир ҳақорат. Аммо қулоғимизга тез-тез чалиниб туриши туфайли унга кўникиб қолганмиз ва шунчаки бир иборадек қабул қиламиз. Фойдаланишга топширилганига ҳали кўп вақт бўлмай, кўприк қулаб тушса, одамлар яшашига мўлжалланган банд қаватли уй ағдарилса, янги хонадонга кўчиб кирганлар бир йилга бормай ҳали сув, ҳали канализация билан боғлиқ муаммоларга дуч келса, деворда ёриқлар пайдо бўлганини кўрса, қурувчининг ноинсоф дейди. Дили оғриydi, «Тешиб чиқсин сенга берган пулим!» дея қарғайди.

Ун йил олдин бир танишим қишлоқларда барпо этилаётган намунавий лойиҳалар асосидаги уйлardan бирини олиш учун пул тўлади. Шартномада қурилиш муддати бир йил этиб белгиланганди. Ҳар кўришганда, «Уй тўйи қачон?» деб сўрайман. У гапни бошқа ёққа буради. Охири бир кун ёрилди. «Жўра, сен журналистсан, шуларни бир ёз. Уй оламан, деб адоий тамом бўлдим. Ўзи ойликка яшайман, маошим рўзгорга зўрга етади. Кредит эса мени еб ташлади. Ҳаммасиям майли, уй ҳали-бери битмаса керак», деди.

Дўстимнинг уйини бориб кўрдим. Шартнома тузилганига орадан икки йил ўтган бўлса-да, ҳали томи ёпилмабди. Чала уйлари қурадилардан ҳеч кимни учратмадик. Атроф қабристондай хувиллаб ётибди. Дўстимнинг кўнглига қараб, қурилишга масъул одамни топдик, уни олиб қурувчинини маблағ ва бинокорлик ашёлари билан таъминладиган ташкилотга бордик. Бошлиққа кириб, дўстим ижарада яшаётганини, унга уй жуда заруригини, тезроқ ишнинг якунаб беришини илтимос қилдик (Ўзинг пул тўлайсан, ишонасан ва яна илтимос ҳам қиласан. Бунақаси фақат бизда бўлса керак!). Акс ҳолда, Бош вазир номига шикоят ёзишимизни маълум қилдик. Шунда қутилмаган иш бўлди: бизни эшитиб турган каттачон ёнимиздаги прорабни чунонам сўқдикки, чидаб бўлмайди. Камига беш-олти марта тепдиям. «Сен ифлослар бор нарсаларни еб кетмаганингда, манави одамларнинг уйлари алақачон битган бўларди», деди.

Биз жуда ноқулай вазиятда қолгандик. Ташқарига чиқдик. Ҳозир бу прораб бошлиқнинг олдига кириб дабдаласини чиқариб ташласа керак, деб ўйлаганим, йўқ, у иршайганда деди: «Бошлиқ афганецда, уришини яхши кўради. Лекин ўзиям кўп нарсани еб юборган, ноинсоф».

Ижтимоий тармоқларда қайнотаси ва қуйнукаси томонидан аёвсиз калтаклангани оқибатида вафот этган ҳомиладор ёш жувон ҳақида ўқиб, даҳшатга тушдим. Биров 18-20 йил пуф-пуфлаб ўстирган фарзандини бошқани марҳуманинг шаънига бўлмағур гапларни айтгандай бундай разил касларни кўриб, улар билан бир ҳаводан нафас олаётганинга пушаймон бўласан. Ўша воқеа тасвирланган хабар тағида минглаб изоҳлар бор. Кимдир катта қилиб НОИНСОФ деб ёзибди. Ҳақоратламабди, лаянлатламабди, гўрига гишт қаламабди, аммо бор нафратини шу биргина сўзда баён этибди – НОИНСОФ.

Газ плитамиз яхши ишламай қолди. Уста қидириб, ажабтовур ҳолатларга дуч келдим. Биринчи уста «инновацион» экан: «Уйимга опкеб ташанг, вақтим бўлса, кўриб қўяман. Бир кўришим 300 минг сўм. Тузалса ҳам, тузалмаса ҳам шу нарх!» деди. Иккинчи устанинг билмайдиган нарсаси йўқ ва инсофли дейишганига ишо-

ниб, телефон рақамини топиб, дардимни айтдим. У плита русумини сўради. «Артель» дейишим биланоқ хайр-маъзурни насия қилди. Яна бир устани мақташганди, уйига беш марта бориб тополмадим.

Охири маҳалладаги отахонлардан бири билан гаплашиб, шу масалада сўз очганим, у бир тенгдош танишининг манзилини айтди. «Узоқроқда яшайди, лекин ишининг пири», деди. Топиб бордим. Йўл-йўлакай гаплашиб келдик. 73 ёшда экан, ўғил-қизлари уйли-жойли бўлиб кетишганини, зерикиб қолмаслик учун эрмакка шундай ишларни қилиб туришини айтди. Уйимга келгач, бир чойнак сув қайнагулик вақт ичида плитани тузатиб, газни ёқиб берди. Ана энди на хид бор, на бошқа муаммо. Яна «Ўзим велиқда келаверардим уйим сал узокда, бу иссиқда чарчаб қоламан», деди. Уйига обориб қўйишда ҳам гаплашиб кетдик. Икки кун олдин туғилган кунига ўғиллари машина совға қилишганини айтиб қолди. Табрикладим. Уйига етгач, иш ҳақи қанча бўлишини сўрадим.

«Э, қўйсанг-чи, болам, шу арзмаган иш учун пул олсам, менинг манзилимни айтган оғайнимнинг хурмати қаерда қолади?», деди.

Ҳар қанча илтимос қилмай, рад этиб тураверди. Одамгарчилик, инсоф дегани мана шу бўлса керак.

Кўчамизга қаттиқ сотувчи келди. Коляскада чақалоқ, ёнида 5-6 ёшли қизчаси. Бонкалар коляска тағига жойлаштирилган. Бир бонка қаттиқ беш минг сўм экан. Бир пайт она ҳам, қизча ҳам қўшиллар дарвозасини тақиллатгани кетишди. Мен секин билдирмай, коляска чўнтагига ўн минг солиб қўйдим. Кейин қаттиқ олиб, қизчага беш минг ушатдим.

Эртаси кунни улар яна келишди. Аёл «Мабодо, кеча сиз адашиб ортиқча пул бермадингизми, ҳисоб-китоб қилсак, ўн минг сўм кўп чиқаяпти», деди.

Мен титраб кетдим. Дунёни гўзаллик эмас, инсофли одамлар кутқарса керак...

Давлатимиз раҳбарининг 2017 йили Фарғона вилоятидаги видеоселектор чоғи айтган гапларини тез-тез эшитиб, кўриб тураман. Ютубда ҳам бор. У кишининг шу мажлисдаги гаплари Абулай Самарқандийнинг «Танбех ул-ғофилийн» асарини эслатади.

Ривоят қилишларича, адолатсизлик, ўзгалар ҳақини ёйиш, хўжақўрсинга ишлаш авж олган бир маскандаги аҳволдан ғазабланган Аллоҳ таоло Жаброил алайҳиссаломга ўша шаҳарни кунпаяқон қилишини бузирибди. Ҳазрат Жаброил қарасалар, ўша манзилда бир олим кечаси ухламасдан илм ўрганмоқда экан.

– Ё, Аллоҳим, – дебдилар Жаброил. – Мени синамоқчи бўлдингми, бу жойда кунни тунга улаб маърифат излаётган бир банданг бор экан, жазолашга журъатим етмаяпти.

– Айнан ўша олимнинг уйдан бошла фатни, – бунорибди Парвардигор. – Илми бўлиб, амали бўлмаган, ён-атрофидаги бузуқликни кўриб туриб индамаган бундай олимга садқа илм, садқаи умр кетсин.

...Президентимизнинг кунюниб айтadиган гаплари ана шундай бефарқ, фақат ўз манфаатини ўйлайдиганларга, амалини сақлаб қолиш учун ҳар қандай қабихликдан қайтмайдиганларга бир зарба.

«Тўрт йил ишламай, данғиллама уй қурасан, беш-олтига машина олсан, – дейди давлатимиз раҳбари айрим нопокликлар ҳақида гапириб. – Нима ойлигинга олсанми? Ўғри бўл, инсофли бўл».

Тўғри, юртимизда иймонли, виждони пок, ҳалол инсонлар жуда кўп, аммо нуқул жиғилдонини ўйлайдиган баъзи кимсалар пора олишдан, ҳисоботларни сохталаштиришдан ҳук қилишмаяпти. Президент ўша мажлисда туқуқ-тартибот идораларидан бирининг вақилига форма кийиб, томошабин бўлиб ўтириш вақти ўтганини, текшири-текширлар, қама-қамалар эмас, аксинча, одамлар онгини ўзгартириш фурсати етганини айтган экан, шундай адолатли, халқпарвар инсон мамлакат етакчисини эканлигиндан фахрланиб кетасан, киши.

Агар сизу биз истиқомат қилаётган шу замин бус-бутун бўлса, демак, пок одамлар шарофатидан бу.

Агар биттагина кўнгилда эзгу умид пайдо бўлса, инсофини кўп тилга оладиган инсоннинг ўз халқига чексиз меҳр-муҳаббати самараси бу.

Келинг, инсофдан узоқлашмайлик, ахир, халқимиз ҳаммасини кўриб-билиб турибди.

Мақсуд ЖОНИХОНОВ,
журналист



Алишер Навоийнинг «Фарҳод ва Ширин» дostonида тасвирла- нишчи, Чин ҳоконининг фар- занди йўқ эди. Тилай-тилай, охири ўғил кўрди. Энди у хотир- жам. Чунки кўзининг нури, тах- тининг вориси бор.

Бироқ ўғил тамом бошқа бир дардга мубтало. Ҳаддан ташқари маҳзун. Унга атаб тўрт фаслга мослаб қурдирилган қасрлар ва улларда йил бўйи ҳар куни юз оту минг қўй сўйиб ўт- казилган базмлар ҳам шаҳзода руҳиятидаги ғамгинликни бар- тараф этолмади. Охири шоҳ базми жамшид тузиб, аркони давлати ҳузурда ўғлига юксак мартаба – тахти олийни таклиф этди. Ўзи унинг паноҳида қари- лик гаштини сурмоқчи бўлди. Аммо Фарҳод минг тавозе билан узрлар айтиб, тажрибасиз- лигини, аввал кичикроқ бир ва- зифа бериб, иш ўргатишларини сўради.

Бу оқилона жавобдан мамнун бўл- ган ҳокон ўғлини хазинага бошлади. Мақсади унинг бошидан дуру гавҳар со- чиш эди. Шунда ногоҳ Фарҳоднинг кўзи тип-тиник биллурдан ясалган ғаройиб сандиққа тушди. Унинг ичида ажиб бир сурат намоён бўлгандек туюлди. Лекин суратнинг сирини ошқор эмас – сандиққа муштакхм қулф осгилик эди. Фарҳод шу сирга етмоқчи бўлиб, калитни олиб ке- лишларини, кулфини очишларини сўради.

Отаси эса: «Бу сандиқ тилсимланган, унинг сирини ҳеч ким билмайди, калити йўқ, кулфи очилмайди», – деди. Ана шунда Фарҳод:

Деди: «Ҳар ишки қилмиш одамизод, Тафаккур бирла билмиш одамизод...»

1994 йил бу байт «Тафаккур» ижти- мий-фалсафий, маънавий-маърифий, рангли-безакли журналига шор қилиб олинди.

Одамизод амалга оширган ҳар қан- дай иш сирини одамизод ақл-тафаккур билан билиб олиши мумкин!

Шу тариха Фарҳод: «Илм денгизига шунгидимми, бас, мен учун ҳал қилин- майдиган бирор мушкул масала йўқ, мана шу сандиқ сирини билиб олмоғу- нимча тинчимайман», – деб туриб олди.

Охири калитни келтиришди. Сандиқ ичидан осмон сандиғидида Кувей янглиғ бир порлоқ кўзгу чиқди. Уни Искандари Румий ҳар бири Афлотундек доно тўрт юз олимга ясаёттирган эди. Ойна орқа- сига унинг маҳфий сирини ҳам битилган эди: «Кимки шу тилсимни очса, кўзгуда ўзининг келажакда кечажа ҳаёти ман- зарасини кўра олади».

Лекин тилсимни очиб шунчаки иш эмас эди. Бу сирини ошқор қилиш йўлини фақат юнонлик хирадманд – Сукрот била- ди. У Юнонистондаги тоғда – бир горнинг ичида яшайди. Тоққа етгунча ҳам йўлда уч манзил бор. Биринчисида даҳшатли аждарҳо, иккинчисида эса Аҳраман де- ган баттол дев учрайди. Учинчисида ян- да хавфлироқ бир тилсим яширин. Учала манзилда ҳам йўлда балоларга дуч кели- нади. Улар энгиб ўтилса, тўртинчи ман- зилда бир тоққа дучор бўлинади. Ундаги форда эса Сукрот ҳажим яшайди. Сандиқ тилсимини очиниш фақат ўшагина билади.

Фарҳод ҳоқон, аркони давлат ва лаш- кар билан сафар қилиб, дуч келган барча даҳшатли кунларни энгди. Сукрот суҳ- батига мушарраф бўлиб, ундан сандиқ тилсимини очиб сирини билиб қайтди. Юртига кела солиб, хазина сари югурди. Сандиқни очиб, кўзгуни олди.

Унга боққан заҳоти ажиб манзарани – кўм-кўк майсалару қип-қизил гулларга бурканган даштини, водий четида баланд тоғни, тоғ ўртасида ўж-ғуж одамни кўр- ди. Улар орасида худди қуйиб қўйгандек ўзига ўхшаган йигит ариқ қазаш билан



Деди: «Ҳар ишки, қилмиш одамизод, Тафаккур бирла билмиш одамизод».

Алишер НАВОИЙ

ТАФАККУР – кўнгили калити

машғул эди. Шу пайт бир гуруҳ отлик қизлар – пари чехралар пайдо бўл- ди. Улар ичида гўё бир Ойдек, йўқ-йўқ, олам-жаҳонни ёритиб турган Кувейдек бир париваш бор эди. Ариқ қазиб тур- ган йигит ўша гўзал сари боқди. Нигоҳ ташлади-ю, худди ўқ еган оху мисол нола чекиб, ҳушидан кетиб йиқилди...

Бу ҳолатни томоша қилиб турган Фарҳод ҳалиги гўзал қизнинг ҳуснига ях- широқ тикилмоқчи бўлиб, ойинани кўзи- га яқинроқ келтириб қараган эди, у ҳам шу заҳоти, ўша йигит янглиғ, ҳушидан кетиб йиқилди.

Фарҳод отаси хазинасидаги сирли сандиқ тилсимини очиб, ундаги кўзгуда худди ҳозирги пайтдаги видеоларга ўх- шаш ҳаракатдаги воқеаларни кўрди.

Бу – таҳлил қилаётганимиз шийрий байтнинг зоҳирий, яъни бевосита асар воқеаси билан боғлиқ моҳияти.

Ҳўш, бу икки сатрнинг дostonдаги бо- тиний, яъни фалсафий моҳияти нимадан иборат?

Тафаккур кучи Фарҳодни сандиқнинг сирини очиб дардига мубтало этган эди. Ниятига етиб, мана, у ойинани томоша қилиш бахтига мушарраф бўлди ҳам. Кўз- гуда бир гўзал унга дийдор кўрсатди. Уни кўрди-ю, ҳушидан кетди. Ўзига келгани- дан кейин ойинга қанча қарамасин, ба- рибир, энди унда ҳеч нарса кўринмади. Фарҳод ўша қизга ошқор бекорор бўлиб қолди. Хузур-ҳаловатини буткул йўқот- ди. Ахир, ёрини бир кўрди-ю, шу заҳоти ундан айрилиб, ҳижрон азобига тушиб қолди-да. Энди уни топагунча жонида жон йўқ. Ер ишқи унинг кўнглига туш- ди. Ойинанинг сирига-ку, тафаккур бил- лан етган эди. Энди кўнгили дарпардаси очилди. Бунинг йўлини ҳам Сукрот кўрсатди.

Сукрот Фарҳодга турган пир- лик қилди. Энди кўнгили англаш душвордан булвор.

Фарҳоднинг кўз- гуда ёрини кўришини мажозан таъхид сир- га етиш ифодаси, деб қарасак, чиндан ҳам, унинг ойина тилси- мини очинганга етган машаққатлари руҳан ёрининг ҳақиқий ва- слига етувунча, яъни умрининг сўнгигача бошидан кекирган азоблари олдида ҳол- ва эканини англаймиз.

Ҳўш, нега тафаккур, нега кўнгили? Бу икки тушунчанинг бир- бирига нима дахли бор?

Навоий ислом дин- нининг буюқ тарғи- батчиси эди. Шунинг жавоби беришдан олдин бир нарсага аниқлик киритиб ўтайлик. Гап шундаки, Ғарб дунёсида илм иккига, яъни д у н ё в и й в а д и н и й илмларга ажратилади. Базиллар буни ислом дунё- сига ҳам таъбиқ этишади ва шу тариха кўпол хатога йўл қўйишади. Чунки ислом – энг дунёвий дин. Тўғри, ислом оламида ҳам илм иккига бўлинади. Лекин у тамом бошқа асосларга кўра тасниф қилиниб, з о ҳ и р и й в а б о т и н и й илмлари- га ажратилади. Нозик жиҳати шундаки, зоҳирий илмнинг ўзи ҳам диний, ҳам ов- рупоча тасаввурдаги дунёвий фанларни қамраб олади. Чунки Аллоҳни, демокки, дунёни билишнинг ақл-тафаккур билан анланганидан тарафларини зоҳирий илм



ўзига мушарраф бўлмоқ керак. Шу боис Тангрини кўнгили билан билиш – маъри- фат. Маърифатга етиш – кони машаққат.

Хожа Баҳроуддин Нақшбанд ҳазрат- лари бу борада ҳам ҳақ гапни айтганлар: «Таъхид сиррига етса бўлур, аммо маъри- фат сиррига етмак душвордур».

Таъхид – Аллоҳнинг яққо ягоналиги, фалсафий маънода тушуниладиган, ҳамма нарсада Аллоҳнинг зуҳур этиши, замонавий ата- малар билан ифодаланганда, оламнинг бир бутунлиги. Буни тафак- кур билан англаб етиш мумкин. Лекин Тангри- ни кўнгили билан англаш душвордан булвор.

Фарҳоднинг кўз- гуда ёрини кўришини мажозан таъхид сир- га етиш ифодаси, деб қарасак, чиндан ҳам, унинг ойина тилси- мини очинганга етган машаққатлари руҳан ёрининг ҳақиқий ва- слига етувунча, яъни умрининг сўнгигача бошидан кекирган азоблари олдида ҳол- ва эканини англаймиз.

Ҳўш, нега тафаккур, нега кўнгили? Бу икки тушунчанинг бир- бирига нима дахли бор?

Навоий ислом дин- нининг буюқ тарғи- батчиси эди. Шунинг жавоби беришдан олдин бир нарсага аниқлик киритиб ўтайлик. Гап шундаки, Ғарб дунёсида илм иккига, яъни д у н ё в и й в а д и н и й илмларга ажратилади. Базиллар буни ислом дунё- сига ҳам таъбиқ этишади ва шу тариха кўпол хатога йўл қўйишади. Чунки ислом – энг дунёвий дин. Тўғри, ислом оламида ҳам илм иккига бўлинади. Лекин у тамом бошқа асосларга кўра тасниф қилиниб, з о ҳ и р и й в а б о т и н и й илмлари- га ажратилади. Нозик жиҳати шундаки, зоҳирий илмнинг ўзи ҳам диний, ҳам ов- рупоча тасаввурдаги дунёвий фанларни қамраб олади. Чунки Аллоҳни, демокки, дунёни билишнинг ақл-тафаккур билан анланганидан тарафларини зоҳирий илм

ўзига мушарраф бўлмоқ керак. Шу боис Тангрини кўнгили билан билиш – маъри- фат. Маърифатга етиш – кони машаққат.

Хожа Баҳроуддин Нақшбанд ҳазрат- лари бу борада ҳам ҳақ гапни айтганлар: «Таъхид сиррига етса бўлур, аммо маъри- фат сиррига етмак душвордур».

Таъхид – Аллоҳнинг яққо ягоналиги, фалсафий маънода тушуниладиган, ҳамма нарсада Аллоҳнинг зуҳур этиши, замонавий ата- малар билан ифодаланганда, оламнинг бир бутунлиги. Буни тафак- кур билан англаб етиш мумкин. Лекин Тангри- ни кўнгили билан англаш душвордан булвор.

Фарҳоднинг кўз- гуда ёрини кўришини мажозан таъхид сир- га етиш ифодаси, деб қарасак, чиндан ҳам, унинг ойина тилси- мини очинганга етган машаққатлари руҳан ёрининг ҳақиқий ва- слига етувунча, яъни умрининг сўнгигача бошидан кекирган азоблари олдида ҳол- ва эканини англаймиз.

Ҳўш, нега тафаккур, нега кўнгили? Бу икки тушунчанинг бир- бирига нима дахли бор?

Навоий ислом дин- нининг буюқ тарғи- батчиси эди. Шунинг жавоби беришдан олдин бир нарсага аниқлик киритиб ўтайлик. Гап шундаки, Ғарб дунёсида илм иккига, яъни д у н ё в и й в а д и н и й илмларга ажратилади. Базиллар буни ислом дунё- сига ҳам таъбиқ этишади ва шу тариха кўпол хатога йўл қўйишади. Чунки ислом – энг дунёвий дин. Тўғри, ислом оламида ҳам илм иккига бўлинади. Лекин у тамом бошқа асосларга кўра тасниф қилиниб, з о ҳ и р и й в а б о т и н и й илмлари- га ажратилади. Нозик жиҳати шундаки, зоҳирий илмнинг ўзи ҳам диний, ҳам ов- рупоча тасаввурдаги дунёвий фанларни қамраб олади. Чунки Аллоҳни, демокки, дунёни билишнинг ақл-тафаккур билан анланганидан тарафларини зоҳирий илм

Моҳият

ннинг шоғирдлари қизиқиб: «Абусаид Абулхайрининг билими яхши эканми?» – деб сўрашди. Шунда Абу Али ибн Сино: «Мен ақл билан етган нарсага Абусаид Абулхайр кўнгили билан етган экан», – деб жавоб берди.

Абусаид Абулхайрининг муридлари ҳам пирларининг Абу Али ибн Сино ҳақидаги ҳулосасини эшитишга шошилиб, ундан: «Абу Али ибн Синонинг билими не дара- жада экан?» – деб сўрашди. Абусаид Абул- хайр мамуният билан бундай жавоб қил- ди: «Мен кўнгили билан етган нарсага Абу Али ибн Сино ақл билан етган экан».

Навоий талқинидаги Фарҳод ҳам олим, ҳам ориф, яъни ҳам илм, ҳам маъ- рифатга етишган комил инсон. Лекин у бирданига комиллик мартабасига кўта- ририлиб қолган эмас. Дoston бошдан-охир Фарҳоднинг ана шу рутбага етиши йўли- даги машаққатларини бадиий бўёқлар- да, рамзий чизиларда кўрсатиб бериш- га бағишланган, дейиш мумкин.

Тафаккур Фарҳодга казинодаги сирли сандиқ қулфини очишга имкон туғдир- ди. Сандиқдаги ойина – кўнгили рамзи. Демак, Фарҳод тафаккур билан кўнгили қулфини очди. Тафаккур унга калит бўл- ди. Фарҳод ёрининг чиройини бир лаҳза кўрди. Оташин ошиқча айланди. Маъри- фатга йўл топди. Умрининг қолганини у ана шу суратни кўришга – ёр васлига етишга бахшида этди.

Булар – байтнинг фалсафий-тасавву- фий моҳиятига тегишли мулоҳазалар.

Ҳўш, ширнинг бутунимиз билан қан- дай боғлиқлигига нима аҳамияти бор?

Байтнинг моҳиятини белгилловчи энг асосий сўз – «тафаккур».

Ёш, мутараққий, келажак сари дадил талпинаётган Ўзбекистонимиз зиммасида жаҳоннинг илгор ишлаб чиқариши дара- жасига етиб олишдек ўта муҳим вазифа турибди. Шундай экан, табиийки, ҳар би- римизнинг ҳаёлимизни: «Тараққиёт нима ўзи?» – деган масала безовта қилади.

Хожа Баҳроуддин Нақшбанд ҳазратла- ри нақшбандия тариқатининг ўзига хос жиҳатлари ҳақида сўйлай туриб: «Бу тари- қатда аз амал била кўп фотух етуш- дур», – деганлар. Бу, кам вақт сарфлаб, кўп отуққа, яъни фойдага эришиш, де- ган маънони билдиради.

Албатта, пири комил бу гапни тариқат- да Аллоҳга етиш йўлини кўзлаб айтганлар. Лекин ана шу аз амал билан кўп фой- дага эришиш ширини бугун башарият тараққиётининг мағзини ташкил этади. Бу – кам куч сарфлаб, кўп маҳсулот олиш, дегани. Агар инсон кам вақт сарфлаб, кун- далик эҳтиёжларини қоплаш йўлини топа олса, яъни ўн кишининг ишини бир киши бажаришга ёки ўн кунлик ишни бир кунда удралашга эриша олса, инсонда инсоний- ликни такомиллаштириш, яъники маъ- навиятни ўстириш учун илгаригидан кўп муҳлат имконият қолади.

Шунда одамзод яшаши осонлашти- ришининг яна бир янги йўлини излай бошлайди. Тараққиёт тараққиётни кел- тириб чиқаради. Ахир, ўйлаб кўрайлик, мутараққий мамлакатларда етти киши муҳаббатчилик қилиб, юз жонни кишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари билан таъмин- лаб турган бир замонда бизда етмиш киши ерда ишлаб, юз одамни боқса, де- мак, биз ҳали технологияда, яъники та- факкурда орқада эканми-да!


Илгор усул, унумдор даражага етишиш учун ҳам ақл малака – илм керак. Тафак- куримиз қанча ўсса, ҳаётимиз ҳам шунча гўзаллаша боради. Шунда аҳолининг ҳо- зиргидан кўпроқ қисми кишиларга мада- ний-маърифий, маънавий хизмат қилади. Инсон инсондай яшайди. Чунки одам бо- ласи еб-ичиш учунгина яралган эмас.

...Яна «Фарҳод ва Ширин»га қайтсак. Кўрдикки, юқорида иқтибос сифатида келтирилган икки сатр ҳам дoston фал- сафасини англашда муҳим аҳамият касб этар экан. Шириний байтни Фарҳод дoston- нинг жуда зарур ва бағоят эътиборли бир нуқтасида айтган. «Фарҳод ва Ширин»да бутун асар моҳиятини белгилаш учун очкич бўла оладиган бундай шоҳ байтлар яна бор. Лекин бу жиҳатдан биз таҳлилга тортган байт алоҳида ўрин тутайди.

Буха қайда, дейсиз?! Икки буюқ зот оғиз ҳам очмай жуда узоқ ўтирди, ўтира- верди. Чунки сўзга ҳожат йўқ эди. Улар шундоқ ҳам бир-бирларини чандон яхши англашаётган эди.

Мулоқот тугаган, Абу Али ибн Си-

Султонмурод ОЛИМ, Тошкент амалий фанлар университети профессори



Султонмурод ОЛИМ, Тошкент амалий фанлар университети профессори



2007-yil 11-yanvarda O'zbekiston Matbuoti va axborot agentligida 116-raqam bilan ro'yatga olingan.

«Ishonch» va «Ishonch-Dovepie» gazetalarini tahrir hayati:

- Qudratilla RAFIQOV (tahrir hayati raisi), Ulug'bek JALMENOVI, Anvar ABDUMUXTOROV, Sayfullo AHMEDOV, Akmal SAIDOV, Ravshan BEDILOV, Qutlimurot SOBIROV, Suhrob RAFIQOV, Shoqosim SHOISLOMOV, Hamidulla PIRIMQULOV, Nodira G'OYIBNAZAROVA, Anvar QULMURODOV

(Bosh muharrirning birinchi o'rinbosari),

Mehriiddin SHUKUROV (Mas'ul kotib – «Ishonch»),

Valentina MARSENYAK (Mas'ul kotib – «Ishonch-Dovepie»)

Bosh muharrir Husan ERMATOV

Bo'limlar:

- Kasaba uyushmalari hayoti – (71) 256-64-69, Huquq va xalqaro hayot – (71) 256-52-89, Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport – (71) 256-82-79, Xatlar va muxbirlar bilan ishlash – (71) 256-85-43, Marketing va obuna – (71) 256-87-73

Hududlardagi muxbirlar:

- Qoraqalpog'iston Respublikasi – (+998-99) 889-98-20, Andijon viloyati – (+998-99) 889-90-23, Buxoro viloyati – (+998-99) 889-90-31, Jizzax viloyati – (+998-99) 889-90-34, Namangon viloyati – (+998-99) 889-90-02, Navoiy viloyati – (+998-99) 889-90-28, Samarqand viloyati – (+998-99) 889-90-26, Sirdaryo viloyati – (+998-99) 889-98-55, Surxondaryo viloyati – (+998-99) 889-90-32, Toshkent viloyati – (+998-99) 600-40-44, Farg'onaviy viloyati – (+998-99) 889-90-24, Xorazm viloyati – (+998-99) 889-98-01, Qashqadaryo viloyati – (+998-99) 889-90-27

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart. Mualliflar fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin.

Navbatchi muharrir: A. Abdurrahmonov

Musahhililar: D. Xudoyberganova, D. Ravshanova

Sahifalovchi: H. Abdullajlovi

Bosishga topshirish vaqti – 21:50 Topshirildi – 22:10

Bahosi kelishilgan narxda

Manzillimiz: 100165, Toshkent shahri, Buxoro ko'chasi, 24-uy. E-mail: ishonch1991@yandex.uz

Tahririyat hisobraqami: 2021 0000 0004 3052 7001, ATIB «potekba banka» joylashilishlarida ham amaliy erdam kўrsatmoqda. Bizga oila- viy muammolarini yuzasidan mu- rojaat qiluvchilar ham buladi. Ular- ga dalda bulish uchun psi- xologlar ishitorikida suhbatlar utkazamiz.

Monomarkazning Servis va xizmat kўrsatish bulimi boshliqi Zebo Ergashevanning aytishicha, bu kursni bitirganlarining aksariya- ti «Dustlik», «Xususiy massa- j», «Sanobar opa» qandolat- chilik chehi, «Diadema» guzalik saloni hamda maktabga ta'lim muassa- salarida muvaffaqiyatli mehnat qilishmoqda.

Zero, donolar «Xunar, xunar- dan unar», «Xunarlari inson hor bulmas» degan naqlarlari bejiz yaratishmagan.


Umumiy adadi 30387 16331 nusxasi «Erudit» MCHJ bosmaxonasida chop etildi.

Korxonaning manzili: Samarqand shahri, Spitamen ko'chasi, 270-uy.

Фарғонада бир МОНОМАРКАЗ бор...

Жараён

Ҳозирги кунда одамларни иш билан таъминлашнинг энг самарали омилари- дан бири уларни касб-ҳу- нарга ўқитишдир. Бу мам- лакатимиз таърибасида ҳам ўз исботини топмоқда. Айниқса, олий маълумот олиш-олмаслигидан қатъи назар, ёшларга келгуси фаолиятида асқатадиган касб-ҳунарларни ўргатиш, шунга мутаносиб равишда янги иш ўринлари яратиш устувор вазифага айлан- моқда.



нафар ўқувчи қабул қилинди. Бундан ташқари, ўтган йили 47 нафар, бу йил кузгача 25 нафар ногиронлиги бор ёки ижтимоий ҳўмоёга муҳтож фуқаро ўзи қи- зикқан соҳа ва тиллар бўйича ўқитилди.

Мономарказда 35 та йўна- лиш бўйича машғулотлар ўтқа- зиш йўлга қўйилган. Жорий йилда уларни битирганларнинг 70 фоизи ишга жойлашти. Ораларида аёл- лар ҳам кўп. Бу эса Бекзод Мама- жонов бошқараётган мономарказ

жамоаси хотин-қизлар вақтини унумли ўтқизишлари учун муно- сиб ҳисса кўшаётганидан далолат беради.

Сўйдиҳон Бодомшоева айни кезларда Фарғона давлат уни- верситетида амалий психология йўналиши бўйича таҳсил оляпти. Дарсдан бўш пайтларида эса мо- номарказга қатнаб, массажа кур- сида ўқияпти. Бундан мақсади келгусида болаларни шу усулда даволалш ва уларга психологик ердэм кўрсатишдир.

Азиза Зайлопова асида оилавий поликлиникада ҳамши- ралик қилади. Ёз фаслида меҳнат таътилига чиққанида мономар- казга қатнаб, қисқа фурсатда аёллар сартарошлиги сир-асроп- ларини бинойидекина ўрга- ниб олди. Айни кезларда ишдан кейин ва дам олиш кунлари қа- риндош-уруғлари ва кўни-қўш- нилари сочларини турли шаклда турмақлаб, зеб бермоқда. Нати- жада қўшимча даромад орттир- моқда.

Гўлшано АЛИЖОНОВА, ЎзЖОКУ талабаси

